DOI: [https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-30](https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-30) Pages: 269-280

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about




# MAHMUD ZAMAKHSHARI'S WORKS AND THEIR CLASSIFICATION

***Laziz A. Turaev***
***Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences***
***Department of Oriental Philosophy and Hermeneutics***
***Tashkent State University of Oriental Studies***
***Email:*** *turayevlaziz86@gmail.com*
***Uzbekistan, Tashkent***

***Farrukh H.Turaev***
***Senior Lecturer***
***Institute of Advanced Training***
***Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan***
***Email: farruxtorayev555@gmail.com***
***Uzbekistan, Tashkent***

## ABOUT ARTICLE

**Key words:** scientific heritage, Jorullah, language, dictionary, aruz, knowledge of speech, science of manners, maturity, eloquence.

**Received:** 06.03.25
**Accepted:** 08.03.25
**Published:** 10.03.25

**Abstract:** This article provides information on the scientific heritage of the famous Khorezm linguist, lexicographer, literary critic, historian, geographer and commentator Mahmud Zamakhshari, in particular, about 90 of his works on historical geography, literature, linguistics, lexicography, religion, law, and ethics. The article also discusses the initial information about the scientific heritage of Mahmud Zamakhshari.

# МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ

***Лазиз А. Тўраев***
*Доцент в.б., тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*
*Шарқ фалсафаси ва герменевтика кафедраси*
*Тошкент давлат шарқшунослик университети*
*Email: turayevlaziz86@gmail.com*
*Ўзбекистон, Тошкент,*

***Фаррух Ҳ. Тўраев***
*катта ўқитувчиси*
*Малака ошириш институти*
*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги*
*Email: farruxtorayev555@gmail.com*

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** илмий мерос, Жоруллоҳ, наҳв, луғат, аруз, калом илми, адаб илми, балоғат, фасоҳат.

**Аннотация:** Ушбу мақолада хоразмлик машҳур тилшунос, луғатшунос, адабиётшунос,тарихчи, географ ва муфассир Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси, хусусан, унинг тарихий-география, адаб, тилшунослик, луғатшунослик, диний, ҳуқуқшунослик, ахлоқшунослик илмларига оид 90 га яқин асарлари ҳақида маълумотлар берилади. Шунингдек, мақолада Маҳмуд Замахшарий илмий мероси ҳақида хабар берувчи дастлабки маълумотлар ҳақида ҳам фикр юритилади.

## ПРОИЗВЕДЕНИЯ МАХМУДА ЗАМАХШАРИ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ

***Лазиз А. Тураев***
*И.о. доцента, доктор философии (PhD) по истории*
*Кафедра восточной философии и герменевтики*
*Ташкентский государственный университет востоковедения*
*Email: turayevlaziz86@gmail.com*
*Узбекистан, Ташкент*

***Фаррух Х. Тураев***
*старший преподаватель*
*Институт повышения квалификации*
*МВД Республики Узбекистан*
*Email: farruxtorayev555@gmail.com*

**О СТАТЬЕ**

**Ключевые слова:** научное наследие, Джорулла, язык, словарь, аруз, знание речи, наука о манерах, зрелость, красноречие.

**Аннотация:** В статье представлена информация о научном наследии известного хорезмского лингвиста, лексикографа, литературоведа, историка, географа и комментатора Махмуда Замахшари, в частности, около 90 его трудов по исторической географии, литературе, языкознанию, лексикографии, религии, праву и этике. В статье также рассматриваются первоначальные сведения о научном наследии Махмуда Замахшари.

**Кириш.** Ўрта аср мусулмон шарқида ўзининг чуқур илми, ўткир зеҳни, кучли хотираси билан алоҳида ажралиб турган Маҳмуд Замахшарий дунё илм-фани учун катта илмий мерос қолдирган. Жаҳон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган, "Бутун дунёнинг устози", "Аллоҳнинг қўшниси", "Хоразм фахри"каби юксак унвонлар билан машҳур бўлган мутафаккир Маҳмуд Замахшарий тарих, жуғрофия, адабиёт, тилшунослик, луғатшунослик, диний, ҳуқуқшунослик, ахлоқшунослик илмларига оид 90 га яқин (ҳозирча аниқлангани) асар ёзиб қолдирган.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Маҳмуд Замахшарий илмий мероси билан боғлиқ энг дастлабки маълумотларни алломанинг ўз замондошлари хотираларидан, улар ёзган асарларидан олишимиз мумкин. Маҳмуд Замахшарийнинг асарлари тўғрисида тарихчилар кўплаб мулоҳазаларни билдирганлар. Жумладан, тарихчи ибн ал-Қифтий Маҳмуд Замахшарий ҳақида шундай дейди: " …Замахшарий илм ал-адаб, наҳв ва луғат бобида ўзгаларга намуна бўладиган аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашиб, тафсир, ҳадис, наҳв ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлар яратган. У ўз асрида араб тилида ижод қилган ажамликлар (араб бўлмаганлар) орасида энг буюгидир" (Uvatov, 1992, p. 23).

Яна бир машҳур тарихчи олим ибн Халликон шундай ёзган: "Замахшарий тафсир, ҳадис, наҳв, луғат ва илм ал-баёнда буюк имомдир. Ҳеч бир муболағасиз мазкур илмларда у ўз даврининг ягонаси, кўпдан-кўп ажойиб асарлар муаллифи эди" деб, унинг 28 та асарини номини келтирган (Ibn Khallikan, 2021, p. 168) .

Тарихчи, сайёҳ Ёқут ал-Ҳамавий "Муъжам ал-удабо" асарида аллома Маҳмуд Замахшарийнинг 50 та асарини номма-ном санаб ўтган (Al-Hamawi, 2015, pp.134-135). Араб олими Ал-Хуфи ўзининг "Аз-Замахшарий" номли китобида алломанинг 47 та асарлари тўғрисида маълумотларни тақдим этган (Al-Hufi, 1966, pp. 58-63).

Германиялик шарқшунос олим Карл Броккельман "Geschichte der arabischen litteratur" номли китобининг биринчи нашрида (Brockelmann, 1898, pp. 289-293) Замахшарийнинг 21 та, иккинчи нашрида (Brockelmann, 1937, pp 507-513) эса 25 та асари ҳақида маълумотларни берган. Профессор Дионисиус Агиус Ал-Арабия журналида (Dionisius A. Agius, 1982, pp. 108-130) "Маҳмуд Замахшарийнинг асарларига оид баъзи қайдлар" номли мақоласида унинг 56 та асарини номларини келтирган.

Истанбулда чоп этилган "Ислом энциклопедиясида" (Islam ansiklopedisi, 1986. S-511-514.) Замахшарийнинг 54 та асари ҳақида маълумотлар бор. Ҳожи Халифа (1608-1657) ўзининг икки жилдли "Кашф аз-зунун ъан асомий ал-кутуб ва ал-фунун" номли библиографик асарида Замахшарийнинг 29 та асарини санаб ўтган (Haji, 1894, p. 506).

Ироқлик олим Фозил Солиҳ ас-Самарий ўзининг "Ад-дирасату ан-наҳвия ва-л-луғавия индаз-Замахшарий" номли тадқиқотида Замахшарийнинг 56 та асари тўғрисида маълумот берган (Al-Samarrai, 1971, pp. 85-100).

Хорижлик тадқиқотчи, олимлар билан бирга ўзбек олимлари ҳам Маҳмуд Замахшарий илмий меросига оид маълумотларни ўз тадқиқотларида тақдим этишади. Академик А.Рустамов ўзининг "Маҳмуд Замахшарий" номли рисоласида алломанинг 19 та асарини шарҳлаш билан бирга номи маълум, лекин ҳали топилмаган 19 та асари номини ҳам келтирган (Rustamov, 1971, pp. 10-12), Профессор У.Уватов "Нозик иборалар"

китобида алломанинг 34 та асарини шарҳлаб ўтади (Uvatov, 1992, pp. 25-42). Ўзбек олимаси Н.Сулаймонова ўзининг монографик тадқиқотида Маҳмуд Замахшарийнинг 70 яқин асарлари номини аниқлаганини ва уларнинг сони янада кўп бўлиши мумкинлигини таъкидлайди (Sulaymonova N, 2019, p. 10). “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да Замахшарий ҳақидаги маълумотда олим асарларининг сони хусусида: “Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, тафсир, ҳадис, фиқҳга оид 50 дан ортиқ асарлар яратган” (Rustamov and Uvatov, 2002).

Бугунга кунга келиб янги тадқиқотлар ва илмий изланишлар Маҳмуд Замахшарийнинг 80 дан ортиқ асар ёзганлигини кўрсатмоқда. Бу бўйича O‘zbeksiton 24 телеканали орқали тақдим этилган Маҳмуд Замахшарийга бағишланган кўрсатувда 10 та маълумот келтирилган, мазкур маълумотларнинг тўртинчисида алломанниг асарлари сони 84 тани ташкил этиши тўғрисида маълумот берилган. Йирик замахшарийшунос олим З.Исломовнинг “Маҳмуд Замахшарий илмий мероси” номли монографиясида, сўнгги тадқиқотлар натижасида Маҳмуд Замахшарийнинг 86 та асар ёзганлигини, таъкидлаган (Islomov, 2023, p. 24).

Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий, тарихийлик ва тавсифий усуллардан фойдаланилди.

Натижалар. Маҳмуд Замахшарийнинг яратган асарларини фан соҳаларига ажратиб, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

А) Ислом илмларига оид асарлар, бу гуруҳда алломанинг Қуръон карим тафсири, ҳадис, ислом фиқҳига оид асарлари киради.

Б) Наҳв илмига оид асарлар гуруҳига араб тили грамматикаси, унинг негизи, грамматика соҳасига оид мулоҳазалар ва имло қоидалари каби масалаларга бағишланган асарлар киради.

В) Луғат илмига оид асарлар гуруҳига турли соҳаларга оид сўзлар билан боғлиқ луғатлари киради.

Г) Адабиёт илмига оид асарлар гуруҳига Маҳмуд Замахшарийнинг аксар асарлари киради, адаб илми, шеърият ҳамда ахлоқ илмига оид асарлар, шулар жумласидандир.

Д) Аруз илмига оид асарларига мумтоз шеъриятдаги вазн ҳақидаги асари киради.

Е) Мантиқ ва калом илмига оид асарлар гуруҳига инсон тафаккури билан боғлиқ асари киради.

Ё) Таржимаи ҳолга оид асарлари гуруҳига ислом оламидаги машҳур инсонлар ва бошқа фазилатли инсонлар ҳақида ривоят қилувчи асарлари киради.

Ж) Манбаларда номи келган, аммо мавзуси аниқ бўлмаган асарларига ўрта аср манбаларида номлари зикр қилинган, бироқ ҳали илм аҳлига номаълум, бизнинг замонга қадар етиб келмаган асарлари киради.

Маҳмуд Замахшарий илмий меросига қизиқиш унинг ҳаётлик давридан бошланганини юқорида таъкидладик. Ўз даврининг йирик олиму машойихлари, ёзувчи ва муаррихлари асарларида Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёт йўли, у яратган асарлари ҳақида турли тарзда маълумотлар қолдирган. Маҳмуд Замахшарийнинг бой илмий мероси қанча даврлар ва замонлар ўтса-да, ўзининг долзарблиги, илмий аҳамиятини йўқотмасдан илм аҳлининг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Буни биз "замахшарийшунослик" йўналишида олиб борилаётган замонавий ҳамда хорижий илмий тадқиқотлар орқали кўришимиз мумкин. Шунингдек, Маҳмуд Замахшарий асарларининг замонавий нашрлари ҳам чоп этилмоқда. Янги Ўзбекистонда ижтимоий қарашлари ва бебаҳо илмий ва маънавий мероси билан жаҳон цивилизациясига муносиб улуш қўшган улуғ алломаларимиз асарларини ўрганиш, тадқиқ ҳамда тарғиб қилиш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан ҳам Маҳмуд Замахшарийнинг асарлари ҳақидаги маълумотларни илм аҳлига тадқим қилиш муҳим вазифа ҳисобланади, шундан келиб чиққан ҳолда, алломанинг гуруҳларга ажратилган ҳолда асарлари ҳақида айрим маълумотларни беришга ҳаракат қилинди:

А) Ислом илмларига оид асарлар:

1. "Ал-Кашшоф фи ҳақои-қи ғавомид ат-танзил ва уйун ал-ақовил фи ву-жуҳ ат-таъвил" ("Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очувчи") асари қисқача "Ал-Кашшоф" деб аталадиган бу асар Қуръон тафсирига бағишланган бўлиб, Қуръон карим тафсирига оид асарлар ўртасида энг нодир ва мукаммаллиги тўғрисида шарқшунос олимлар томонидан эътироф этилган.Бугунги кунда мазкур асардан дунёнинг турли мамлакатларида қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда. Тафсирда Қуръоннинг мўъжизавий сирлари, таркиби, гўзаллиги ва балоғат-фасоҳатдаги юқори даражаси аллома томонидан далиллар асосида кўрсатилган.

2. "Рисола фи ҳикмат аш-шаҳода" ("Шаҳодат калимаси ҳикматидан рисола") асари "шаҳодат" калимасининг сўз туркумлари асосида тусланиши ҳақидаги асардир.

3. "Ал-Минҳож фи усул ад-дин" ("Дин асосларига йўл") асари кичик рисола бўлиб, муаллиф исломий эътиқод асослари ҳақидаги ўз қарашлари ва эътирофларини Қуръон оятлари, ҳадислар ва энг муҳими, мантиқий хулосалар билан тушунтиришга ҳаракат қилган. Ушбу асар каломга оид барча мавзуларни қамраб олган бўлиб, савол-жавоб услубида ихчам тарзда ёзилган.

4. “Нукату-л-иъроб фи ғарибиi-л-иъроб” (“Қуръоннинг ажойиб ифодасида араблар нафосати”) асари муаллифнинг “Ал-Кашшоф” асаридан олинган масалалар жамланмасидан иборат.

5. “Муъжаму-л-ҳудуд фи-л-фиқҳ” (“Лексик ҳуқуқшунослик соҳасидаги чегаралар”)

Ҳуқуқшуносликка оди луғат китоб,

6. “Руъусу-л-масоил фи-л-фиқҳ” (“Фиқҳнинг асосий масалалари”) асари фиқҳ масалаларига бағишланган бўлиб, ҳанафийлар ва шофиийлар ўртасидаги зиддиятларга бағишланган. Асарда бу икки мазҳаб ўртасидаги баъзи фиқҳий масалалардаги ихтилофлар кўрсатилиб, далиллар келтирилади ҳамда ихтилоф сабаблари очиб берилган.

7. “Мухтасару-л-мувофақа байна аҳли-л-байт ва-с-саҳоба” (“Аҳл-ул-байт ва аҳл-ус-саҳоба ўртасидаги келишув ҳақида мухтасар асар”) мазкур асар райлик олим Абу Саъд Исмоил ибн Али ибн ал-Ҳусайн ас-Саммон ар-Розийнинг “Ал-мувофақа байна аҳли-л-байт ва-с-саҳоба” китобини қисқартириб, китобхонларга енгиллик бўлиш мақсадида гуруҳларга ажратиб, такрор келган жойларини қисқартириб, умуман олган ихчам тартибга солган ҳолда мухтасар ҳолга келтирган.

8. “Ал-Фоиқ фи ғарибиi-л-ҳадис” (“Ҳадислардаги номаълум маъноларни аниқлаштирувчи ажиб асар”) асари ҳадис илмига оид асар бўлиб, тушуниш қийин бўлган ва айрим ҳадисларда кўчма маънода келган сўзларни ифодалашга қаратилган. Мазкур асарда келган сўзлар ҳам алломанинг ўзига хос услуби бўлган, алифбо тартибида берилган. Муаллиф ўз асари ҳақида, ҳадислардаги баъзи сўзларнинг маъносини осон тушунтириш, кишиларда балоғат ва фасоҳат илмини шакллантириш мақсадида ёзганлигини, таъкидлайди.

9. “Шарҳ ‘Мухтасарил Қудурий” (“Қудурийнинг “Мухтасар” асарига шарҳ”). Бу асарда ислом фиқҳининг асосий манбаларидан бири бўлган Қудурийнинг асарини таҳлил қилинади. Бу шарҳ, фиқҳий масалаларда Амалий Қудурийнинг асарининг муҳим жиҳатларини очиб беради. Замахшарий, бу асарда Қудурийнинг кўрсатмаларини батафсил, содда ва аниқ қилиб тушунтиради. У, муҳим ҳукмлар ва қоидаларни ўз ичига олган ҳолда, фиқҳий қарорлар қабул қилишда зарур бўлган асосий жиҳатларни ўз ичига олади.

10. “Золлату-н-ношид” (“Адаштирувчи жарчи”),

Б) Наҳв илмига оид асарлар:

11. “Ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб” (“Эъроб санъатидаги муфассал китоб”). Асар араб тили грамматикаси ва морфологиясини ўрганиш учун қимматли асар ҳисобланади. Маҳмуд Замахшарий асарни тўрт қисмга, исмлар, феъллар, ҳарфлар ва исмлар, феъллар ва ҳарфлар ўртасида умумий бўлган мисралар, ҳадислар, араб шеърлари, ҳикматлар ва арабча мақолларни келтириб ўтган.

12. “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” (“Наҳв илмидан намуна”) мазкур асар катта ҳажмли “Ал-Муфассал” асарининг мухтасар (қисқартирилган) шаклдаги китобидир. Мазкур асар ҳам араб тили грамматикасига мансуб бўлиб, уч қисм исмлар, феъллар ва ҳарфлар бобидан иборат. Юртимизда “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асари билан боғлиқ бир қанча илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада ўзбек олимаси М.Носирова томонидан амалга оширилган илмий натижаларни эътироф этиб ўтиш ўринлидир.

13. “Таълийм ал-мубтадий ва иршад ал-муқтадий” (“Ибтидога ўргатиш ва эргашганга йўл кўрсатиш”) асари араб тилида қийин бўлмаган айрим ибораларнинг форс тилидаги таржимаси бўлиб, араб тилини ўрганишни янги бошлаган ўқувчилар учун мўлжалланган.

14. “Ал-муҳажат бил-масаилин-наҳвиййа” (“Ал-Муҳожот ва мутаммим маҳомми арбоб-ил-муҳожот”) асари Қуръон, ҳадис ва эски араб шеъриятидаги баъзи иборалар доирасида грамматика билан боғлиқ эллик масала савол-жавоб тарзида муҳокама қилинган назмий асар ҳисобланади.

15. “Ал-Муфрад ва-л-муълаф фи-н-наҳв” (“Грамматикада бирлик ва кўплик”) асари грамматикага оид қисқа рисола бўлган бу асарини Маккада ёзган. Асар Муфрад ва Муълаф номли иккита асосий қисмдан иборат. Биринчи қисмда отлар, феъллар ва ҳарфлар бўлимлари мавжуд бўлса, иккинчи қисмда от, феъл ва ҳарфларнинг бирикмалари ҳақида маълумотлар мавжуд.

16. “Масъала фи калимати-ш-шаҳада” (“Шаҳодат калимаси ҳақида масала”) асари ҳам грамматикага оид рисола ҳисобланади.

17. “Ал-амолий фин-наҳв” (“Грамматик қоидаларда имло (тўғри ёзиш) қоидалари”) асари араб тили грамматикасига бағишланган.

18. “Самийм ал-арабиййа” (“Араб тилининг негизи”) айрим манбаларда “Саҳиҳ ал-арабиййа” деб келган.

В) Луғат илмига оид асарлар:

19. “Асосу-л-балоға” (“Балоғат асослари”). Бу асар арабча сўзлар ва уларнинг нотиқлиги ҳақида ҳикоя қилувчи энг муҳим тилшунослик луғатларидан бири ҳисобланади. Муаллиф ундаги лингвистик метафоралар, адабий хусусиятлар, латиф ибораларни тилга олган. Маҳмуд Замахшарий сўзларни ўзак ундошларидан келиб чиққан ҳолда алифбо тартибида жойлаштирган. Муаллиф сўзларни арабча изоҳлаб, изоҳини Қуръон, Муҳаммад пайғамбар ҳадислари, араб шеърлари ва ҳикматлари билан тўлдириб, сўзнинг мажозий маънодаги қўлланишига ҳам эътибор қаратади.

20. “Ал- жибол ва-л- амкина ва-л-мийаҳ” (“Тоғлар, маконлар ва сувлар ҳақида”) Мазкур асар топонимик ва географик асар бўлиб, Маҳмуд Замахшарий араб

мамлакатларига сафарлари чоғидаги кузатишларига ҳамда кўплаб манбаларга асосланиб ёзилган. Бу асарда асосан, Саудия Арабистони ярим оролидаги жойлар ҳақида маъулмотлар берилган.

21. “Муқаддамату-л-адаб” (“Адабиёт илмига кириш”) асари энг кўп тилга олинадиган, кўплаб тадқиқотларни вужудга келишига сабаб бўлган асар ҳисобланади. Хусусан, йирик замахшарийшунос олим З.Исломов кўп йиллар давомида мазкур асар устида катта изланишлар қилиб келмоқда. Шунингдек, М. Ҳакимжонов ва Ш.Мирзиятов каби устозлар мазкур асар устида диссертация тадқиқотларини амалга оширишган. “Муқаддамату-л-адаб” асари муқаддима, исм туркумига кирувчи сўзлар, феъллар, кўмакчилар, исмларнинг турланиши ва феъл тусланиши исмларидан иборат. асарда арабча сўзларнинг остида форсча, айримларида туркий, ҳатто мўғулча таржималари ҳам берилган. Асар Хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсизга бағишлаб ёзилган.

22. “Жавоҳир ал-луғат” (“Тил жавоҳири”). Ушбу асарни турк Нури Юже бу асар Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамат ул-адаб” асарининг номларидан бири, деб маълумот беради.

23. “Ал-Асмоиъ фи-л-луға” асари араб олими ал-Ҳуфийнинг “Аз-Замахшарий” номли китобида ёзишича, бу кичик рисола Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асарининг бир қисмидир, китобнинг биринчи қисми исмлар, тўртинчи қисми исмларнинг тусланишига бағишланган.

24. “Муъжаму арабий-форсий” (“Арабча-форсча луғат”). Профессор У.Уватов мазкур асарни алломанинг “Муқаддамат ул-адаб” асариинг туркча таржимаси деб маълумот беради.

Г) Адабиёт илмига оид асарлар:

25. “Навобиғ ал-калим” (“Нозик иборалар”) панд, насиҳат, ҳикматли сўзларга бағишлаб ёзилган дидактик асардир. Бу асар насрий сажъ услубида ёзилган бўлиб, ибратли ўгитлар, панд-насиҳатларни ўз ичига олади. Мазкур асарни ўзбек олими профессор Убайдулла Уватов 1992 йилда ўзбек тилига таржимасини амалга оширди. Макур рисола “замахшарийшунослик” йўналишини пайдо бўлишига катта ҳисса қўшган рисолалардан ҳисобланади.

26. “Атвоқ аз-заҳаб фи-л-мавоиз ва ал-хутаб” (“Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар”) асари. Маҳмуд Замахшарий Маккада яшаб турган бир пайтда, Байтуллоҳни 100 марта тавоф қилиб, ҳар тавофдан сўнг битта мақома ёзади ва натижада 100 мақомадан иборат “Атвоқ уз заҳаб” асарини ёзади. Мазкур асар ҳам сажъ услубида ёзилган. Ҳар бир мақома ижтимоий фазилатлар ва ахлоқий хислатлар билан боғлиқдир. Ушбу асарни алломанниг ахлоқий қарашларини ўзида мужассам этган асарлардан бири деб эътироф этиш мумкин. “Атвоқ уз

заҳаб” асарини ўзбек таржимонлари Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Раҳимлар 2010 йилда ҳамда профессор Ф.Зоҳид 2011 йилда ўзбек тилига таржима қилдилар.

27. “Мақомот” (“Мақомалар”). Аллома мақома жанрида ҳам ижод қилган бўлиб, 50 мақомадан иборат “Мақомот Замахшарий” асари ёзган. Асар ижтимоий ҳаётдаги турли мавзуларга оид, мажлисларда, ўтиришларда панд-насиҳат, ибрат тариқасида сўзлаш учун керак бўладиган ҳикматли сўзлар, бадиий санъатлар, шеърий парчалар, масаллар, ҳикоялардан тшкил топган.

28. “Рабиъ ал-аброр ва нусус ал-ахбор” (“Яхшилар баҳори ва фозиллар ахбори”) асари “илми мухазара” услубида ёзилган, 98 бобдан ибора асардир. Асарда араб, форс, ҳинд, юнон ва турк халқларининг машҳур шахсларидан ўша халқларнинг аҳолиси, ўтмиши, маданияти, қадриятлари, иқлими, табиатига оид турли маълумотлар тўпланган. Асарда энг яхши суҳбатдош сифатида турли мақоллар, масаллар, ҳикматлар, машҳур кишиларнинг сўзларини, ибратли воқеалар келтирилган. Инсон кўнгли хўш кайфиятни хоҳласа, ундан кулгили латифаларни, ҳажвий воқеаларни ўқиши, хузунлик истаган қалблар учун эса пур-маъноли, инсонни кўзига ёш келтирадиган насиҳатларни, ибратли ўгитларни топиш мумкин. Асар муқаддимасида муаллиф асарни таълиф этиш мақсадини қуйидагича келтиради: “Менинг ушбу китобни ёзишимдан мақсадим “Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ ит-танзил” тафсиримни ўқиган китобхонларнинг хотирини жамлаш ҳамда... қалбларига роҳат бағишлашдир”.

29. “Ал-Мустақсо фи-л-амсол” (“Мақолларни чуқур ўрганиш”) Алифбо тартибида йиғилган араб халқлари мақоллари, масалларига бағишлаб ёзилган асар.

30. “Аъжабу-л-ажаб фи шарҳ ломияти-л-араб” (“Ломияту-л-араб” шарҳи ҳақида ажойибдан ажойиб фикрлар”) асари исломгача яшаб ижод қилган араб шоири Шанфара Аздийнинг “Ломияту-л-араб” номли қасидасига грамматик изоҳлар ёзган мукаммал шарҳ ҳисобланади.

31. “Дийвону-з-Замахшарий” (“Замахшарий девони”) Маҳмуд Замахшарийнинг 5000 байтдан иборат шеърий асари ҳисобланади.

32. “Нузҳату-л-муътанис”) (“Дўстлар қувончи”). Ушбу асар профессор Фозил Солиҳ ас-Самараийнинг айтишича, Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ул-аброр” асарининг мухтасар шаклидаги асар ҳисобланади.

33. (“Ад-дурруд-даиру кинайат ва истиъарот ва ташбиҳатил-араб”) (“Арабча киноя, истиора ва ташбеҳларидаги сараланган дурлар”) Араб адабий санъатга оид асар ҳисобланади.

34. “Марсийа фи шайхуху Аби Музар” (“Унинг шайхи Абу Музар учун марсия”) Маҳмуд Замахшарийнинг тилшунослик, луғатшунослик ва адабиётшунослик соҳаларида

устозлик қилган Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарийр ал-Даббий ал-Исфаҳоний вафотига ёзилган марсия ҳисобланади.

35. “Ал-Қасидату-л-баъузийа” (“Чивин ҳақидаги қасида”). Мазкур асар 3461 масалани ўз ичига олади, бу асардаги маълумотлар ҳам алифбо тартибида келтирилиб, қомус тарзида ёзилган.

36. “Ал-Қасидату фи масоил-л-Ғаззолий” (“Ғаззолий масалалари ҳақида қасида”). Ушбу асар “Масоил-л-Ғаззолий” номи билан ҳам машҳур.

37. “Ал-Кашф фи-л-қироат ил-иъшара” (“Қироатда кашфиёт”).

38. “Дийвону хутаб” (“Нутқлар ҳақида девон”).

39. “Дийвонут-тамсийл” (“Ассимиляция ҳақида девон”).

40. “Дийвонур-расоил” (“Мактублар ҳақида девон”).

41. “Ан Насоиҳ ул-мулук” (“Шоҳларга насиҳатлар”).

42. “Ар-Рисолату-л-асрор” (“Сирлар ҳақида рисола”).

43. “Ар-Рисолату-л-мубкиййа”.

44. “Ар-Рисолату-л-насиҳа” (“Насиҳатлар ҳақида рисола”).

45. “Савоиру-л-амсол” (“Қўрқинчли ҳикматлар”).

46. “Шарҳу абяти китоби Сибавайҳ” (“Сибавайҳ китоби байтларининг шарҳи”) араб тилшуноси Сибавайҳнинг машҳур китобига бағишлаб ёзилган мукаммал шарҳдир.

47. “Рисола фи-т-таслия ли-ман куффат ъайнуҳу” ёки “Таслиййат аз-зарир” (“Кўзи ожиз кишига тасалли бериш ҳақида рисола”).

48. “Зиядат ан-нусус”.

49. “Ал-Мунтахиб мин Золлати-н-ношид” (“Адаштирувчи жарчини саралаш”).

Д) Аруз илмига оид асарлар:

50. “Ал-Қистос фи илми-л-аруз” (“Аруз илмида вазн”) аруз вазни ҳақида баҳс юритувчи асар бўлиб, унда Маҳмуд Замахшарий ўзи яшаган давр шоирлари шеър вазнларини тадқиқ қилади. Асарда аруз иллатлари борасида алоҳида сўз юритилиб, аруз вазнига оид баҳрлар, рукнлар ва уларнинг ҳар ҳил баҳр турларига ўз шеърларидан мисоллар келтирилади.

Е) Мантиқ ва калом илмига оид асарлар:

51. “Аъқлу-л-кулли” (“Барчанинг ақли”).

Ё) Таржимаи ҳолга оид асарлари:

52. “Хасоису-л-ашара ал-кироми-л-барара” (“Сахий, кароматли ўн кишининг хислатлари ҳақида”) Пайғамбар 10 та саҳобасининг таржима ҳоллари ҳақида ёзилган асардир.

53. “Шақоиу-н-Нуъмон фи хақоиқи-л-Нуъмон фи маноқиби-л-Имом Абу Ханифа”.

54. “Шафиъ Али мин калама-ш-Шафиъ”.

55. “Муташобиҳи асмои-р-рива” (“Асами ривоятлари”).

Ж) Манбаларда номи келган, аммо мавзуси аниқ бўлмаган асарлари:

56. “Тилбат ал-уъфат фи шарҳут-тасарруфот”.

57. “Асос ат-тақдис”.

58. “Асрор ал-мавазиъ”.

59. “Фусус ан-нусус”.

60. “Калимат ал-уълама”.

Маҳмуд Замахшарий кўп қиррали олим сифатида асарларини ҳам турли мавзуларда ёзган, айрим асарларида турли масалаларни қамраб олган. Шунинг учун ҳам унинг айрим асарларини юқорида саналган гуруҳларнинг ҳар бирига тааллуқли эканлигини таъкидлаш лозим. Биргина 98 бобдан иборат “Рабиъ ул-аброр” асарини оладиган бўлсак, унда диний масалаларни ҳам, тиббиёт соҳасига оид маълмуотларни ҳам, табиат ва ҳайвонот олами ҳақида ҳам, шунингдек, жамиятдаги турли ижтимоий масалалар ўрин эгаллаган.

Хулоса. Амалга оширалаётган вазифалар, тадқиқотлар, нашрлар униб-ўсиб келаётган ёшларимизни юртимиз буюк аждодлари илмий меросини янада чуқуррок ўрганишга, уларнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси, илм дунёсида тутган ўрнини янада кенгроқ тарғиб қилишга ундайди. Зеро, Маҳмуд Замахшарийдек алломанинг илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини нафақат ўзбек олимлари, балки, бутун дунё олимлари томонидан ҳам эътироф этилаётгани биз учун қувонарли.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Al-Hamawi, Yaqut. (2015). Dictionary of Writers. Mu'jam al-Udabā. – Cairo. – 336 p. (in Arabic)

2. Al-Hufi, Ahmed Mohamed. (1966). Az-Zamakhshari. Az-Zamaxshariy. Cairo. – 331 p. (in Arabic)

3. Brockelmann C. (1898). History of Arabic literature. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Weimar, Pp. 289-293. (in German)

4. Dionisius, A. Agius. (1982) Some bio-bibliographical notes on Abū'l-Qāsim Maḥmud b. ʿUmar al-Zamakhsharī. Al-'Arabiyya.Vol. 15, No. 1/2 (Spring & Autumn, pp. 108-130. (in English)

5. Fadel Al-Samarrai. (1971). Grammar And Linguistic Studies Of Al-Zamakhshari. Ed-Dirasatü'n-Nahviyye ve'l-Lugaviyya. – Bagdad: Daru naziyr. – 422 p. (in Arabic)

6. Haji, Khalifa. (1894). The Removal of Doubt from the Names of Books and the Arts. Kashf al-Zunun 'an Asami al-Kutub wa al-Funun. – Beirut: Daru ihyu-t-tiros al-arabiy. – 1123 p. (in Arabic)

7. Ibn Khallikan. (2021). The Deaths Of Notables And The News Of The Sons Of Time. Wafayat Al Ayan Wa Anba Abna Al Zaman. Wafayat Al Ayan Wa Anba Abna Al Zaman. – Cairo. – 496 p. (in Arabic)

8. Islomov, Z. (2023). The scientific heritage of Mahmud Zamakhshari. Mahmud Zamaxshariy ilmiy merosi. – Tashkent: IIA Uzbekistan. – 191 p. (in Uzbek)

9. Islam ansiklopedisi. (1986). Encyclopaedia of Islam 13-cilt. – Istanbul: Milli egitim basimevi, S-511-514 p. (in Turkish)

10. Nuri, YÜCE. Zamakhshari life and works. Zemahşerinin hayati ve eserleri. Journal of Turkish Language and Literature. 1993-Volume: 26. Pp. 289-316. (in Turkish)

11. Rustamov, A. (1971). Makhmud Zamakhshari. Mahmud Zamaxshariy. – Tashkent: "Fan", – 332. (in Uzbek)

12. Rustamov, A., Uvatov, U. (2002). Zamakhshari // National encyclopedia of Uzbekistan. Zamaxshariy. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. – Tashkent. (in Uzbek)

13. Sulaymonova, N. A source analysis of Mahmoud Zamakhshari's works held in the Tashkent funds. Mahmud Zamaxshariyning Toshkent fondlarida saqlanayotgan asarlarining manbashunoslik tahlili –Tashkent.: TSUOS, 2019. 10 p. (in Uzbek)

14. Uvatov U. (1992). Delicate phrases. Nozik iboralar. – Tashkent.: Kamalak – 84 p. (in Uzbek)

15. Turaev, L. A. (2020). Codiological analysis of "Rabi'ul-Abrar" copies in Uzbekistan funds. ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (85), pp. 442-445. (English)